

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

5520100 – "Иссиқлик энергетикаси"

бакалавр таълим йўналиши

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Иссиқлик алмашинув қурилмаларида локал турбулизаторлар қўлланилганда иссиқлик алмашилиш жараёнини тадқиқот қилиш

Раҳбар:

(ИМЗО)

Ибрагимов У.Х.

Ишни бажарувчи:

(ИМЗО)

Чориева А.

"Ҳимояга рухсат этилди"

Кафедра мудири:

_____ доц. И.Н. Қодиров
(ИМЗО)

"Ҳимоя учун ДАКга юборилди"

Факультет декани:

_____ доц. А.И. Юсупов
(ИМЗО)

" _____ " _____ 2012 йил

" _____ " _____ 2012 йил

ҚАРШИ – 2012 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Иссиқлик алмашинуви қурилмасида иссиқлик алмашиниш жараёнини жадаллаштириш.....	6
1.1. Иссиқлик ташувчини қувурга тангенциал узатиш.....	8
1.2. Шнекли бурагич ёрдамида исиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	14
1.3. Буралган лента ёрдамида исиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	17
1.4. Спиралсимон пружина ёрдамида исиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	22
1.5. Қувурнинг ички юзасини қовурғалаш ёрдамида исиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	28
1.6. Иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг турли усулларини самарадорлигини солиштириш.....	31
2. Иссиқлик алмашиниш жараёнини экспериментал тадқиқот қилиш..	34
2.1. Локал турбулизаторлар конструкциясининг тавсифи.....	34
2.2. Тажриба қурилмасининг тавсифи.....	35
2.3. Иссиқлик алмашинуви бўйича олинган тадқиқот натижалари.....	37
3. Меҳнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси.....	48
4. Иқтисодий қисм.....	54
Хулоса.....	58
Фойдаланилган адабиётлар.....	59

Кириш.

Ёқилғи энергетика манбаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Энергетик қувватларни ва ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши натижасида қўлланилаётган иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массасини оғирлашишига ва ташқи ўлчамларини катталашшига олиб келди. Юқори самарадор ва ихчам иссиқлик алмашинуви қурилмасини яратиш, ёқилғини, металл ва меҳнат ҳаражатларини сезиларли даражада камайтирди.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг самарали усулларидан фойдаланиш зарур. Иссиқлик алмашинуви қурилмалари барча энергетик қурилмаларнинг асосийси ва металл сиғими юқори бўлган мосламалар ҳисобланади. Улар иссиқлик энергетикасида, кимё, нефтьни қайта ишлаш ва енгил саноатнинг технологик жараёнларида, металлургияда, қурилишда ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Масалан нефть кимёси ишлаб чиқаришида иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массаси барча технологик мосламаларнинг умумий массасини 35-40% ини ташкил этади.

Иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг ичида энг кенг тарқалганлари қоплама қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмалари ҳисобланади. Ушбу қурилмаларни ишлаб чиқаришда кўп миқдорда легирланган ва рангли металллар сарфланади.

Каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш усуллари қўлланган иссиқлик ва масса алмашинуви қурилмаларини яратиш ва ишлаб чиқиш тажрибалари мосламаларнинг ташқи ўлчамларини ва металл сиғимини 1,5-2 марта камайишига олиб келади, шунингдек, каналларда туз қатламларини ҳосил бўлиш жадаллиги сезиларли даражада камаяди. Бунда ишлатишдага ҳаражатлар ва меҳнат сиғими 2-3 марта ортади. Жадаллаштиришнинг таклиф этилган усуллари ишлаб чиқаришда технологик

сода, иссиқлик алмашинуви қурилмаларини йиғишда қулай ва ишлатишда ишончли бўлиши керак.

Иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массасини ва ташқи ўлчамларини камайтириш муаммосини ечишнинг самарали йўли ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда конвектив иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг турли усулари таклиф этилган ва тадқиқот қилинган. Бир фазали иссиқлик ташувчилар учун турбулизаторларни қўллаш, ғадир-будир юзалар, қовурғалаш ҳисобига юзани ошириш, спиралсимон қовурға ёрдамида оқимни уюрма ҳаракатга келтириш, шнекли мосламалар, каналга киришда ўрнатилган гирдоблантиргичлар, суюқлик оқимига газ пуфакчаларини аралаштириш, газ оқимига эса қаттиқ заррачалар ва томчили суюқликларни аралаштириш, иссиқлик алмашинуви юзасини айлантириш, юзани тебратиш, оқимга электростатик майдон таъсир этириш, чегараланган қатламдан оқимни сўриб олиш ва ҳоказо.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш масалаларига эътибор ҳозирги кунда айниқса, жаҳон-молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.

Президентимиз Ислом каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилган муҳим устивор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва уларни жадал янгилашдан иборат экани

белгилаб берилди. Маърузада 2011 йилда жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғи саноатни модернизация қилиш ва техноогик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани ҳамда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қуйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётгани қайд этилди. Шунингдек, Муборак нефтьни қайта ишлаш заводи ва “Шўртантнефть-газ” унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатиш ва бошқа шу каби муҳим лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилди.

Битирув малакавий ишини бажаришдан асосий мақсад иссиқлик алмашинувини жадаллашишига олиб келувчи локал турбулизаторларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқот қилишнинг тажриба қурилмасини яратиш, қувурларда локал турбулизаторлар қўлланилганда иссиқлик алмашинуви жараёнини тадқиқот қилиш ва натижалар олиш, ҳамда яратилган локал турбулизаторларнинг янги конструкцияларини иқтисодий асослаш битирув малакавий ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

1. Иссиқлик алмашинуви қурилмасида иссиқлик алмашиниш жараёнини жадаллаштириш.

Иссиқликни бир иссиқлик ташувчидан бошқа иссиқлик ташувчига узатиш учун мўлжалланган мосламаларга – иссиқлик алмашинув қурилмаси деб аталади. Иссиқлик алмашинуви қурилмалари энергетикада, кимё саноатида, нефтни қайта ишлаш саноатида, енгил саноатда, совутиш ва криоген техникада, иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларида, маромлаш тизимларида, турли хил иссиқлик юритгичларида, авиация ва космик техникада кенг қўлланилади. Энергетик қувватлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши қўлланилаётган иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массасини ва ташқи ўлчамини ортишига олиб келди. Уларни ишлаб чиқаришда кўп миқдордаги легирланган ва рангли металллар сарфланади.

Барча соҳаларда қўлланилаётган иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг деярли барча конструкциясида иссиқлик қиздирувчи иссиқлик ташувчидан совутовчи иссиқлик ташувчига уларни ажратиб турувчи оралик қаттиқ жисм (девор) орқали узатилади. Бунда қиздирувчи иссиқлик ташувчи иссиқликни битта юзага беради, қизиётган иссиқлик ташувчи эса иссиқликни деворнинг иккинчи томонидан қабул қилади, яъни барча ҳолларда иссиқлик алмашинуви иссиқлик ташувчилар ва иссиқлик алмашинуви юзаси орасида амалга ошади.

Кўпгина иссиқлик алмашинуви қурилмаларини лойиҳалашда қуйидаги масалалар ечилади: белгиланган умумий иссиқлик оқимида, гидравлик йўқотилишларда, иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратлари ва босимларида мосламанинг минимал ташқи ўлчамига ва массасига эриши. Иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг ташқи ўлчамлари ва массасини камайтиришнинг энг оқилона усули – каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришдир.

Ҳозирги вақтда кўпгина рекуператив иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг асосий улушини қоплама қувурли иссиқлик алмашинуви

қурилмалари ташкил этади. Ушбу қурилмаларда бир иссиқлик ташувчи қувур ичидан, иккинчиси эса қувурлараро бўшлиқда ҳаракатланади. Бундай конструкцияли мосламалар юқори босимларда ва иссиқлик ташувчилар орасидаги босимлар фарқи юқори бўлган ҳолларда, шунингдек ҳароратнинг кенг кўламларида юқори технологик тавсифларни таъминлайди.

Қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмаларида иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг кўп усуллари мавжуд.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- турбулизаторларни қўллаш;
- қувур ва қувурлараро бўшлиқда турли шаклдаги винтсимон ўрнатмалар (узатмалар, буралган лента ва симлар) ёрдамида оқимни бурама ҳаракатга келтириш;
- эгри чизиқли каналларни (спиралсимон, змеевикли) қўллаш;
- иссиқлик ташувчини қувурга тангенциал равишда узатиш;
- куракчали гирдоблантиргичлар (қувурнинг киришида ва қувур узунлиги бўйича даврий жойлаштириш);
- газ оқимига суюқлик томчиларини ёки қаттиқ заррачаларни, суюқлик оқимига эса газсимон пуфакчаларни аралаштириш;
- оқимга электростатик майдон таъсир эттириш;
- иссиқлик алмашинуви юзасини тебритиш;
- каналларда акустик резонансдан фойдаланиш;
- чегараланган қатламдан оқимни сўриб олиш;
- иссиқлик алмашинуви юзасида чуқурчалар ҳосил қилиш ва ҳоказо.

Бундан ташқари қурама усуллардан фойдаланилади. Масалан, оқимни бурама ҳаракатга келтириш усули билан турбулизаторларни биргаликда қўллаш, худди шу усули билан спиралсимон қовурғани биргаликда қўллаш ёки турбулизаторларни қовурғали юзалар билан биргаликда қўллаш ва ҳоказо.

Шуни таъкидлаш жоизки, иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг у ёки бу усулини амалиётда қўлаш учун танлашда нафақат юзанинг самарадорлигини, балки усулнинг бир ёки икки фазали иссиқлик ташувчилар учун универсаллигини, тайёрлашда технологик сосонлигини, иссиқлик алмашинуви қурилмасини йиғишда осонлигини, мустаҳкамлик талабларини, юзанинг ифлосланишини, ишлатилишида қулайлигини ҳисобга олиш зарур. Ушбу ҳолатлар самарадор юзаларни танлаш имкониятини камайтиради.


Иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш усулларини қўллаб ҳар қандай иссиқлик алмашинуви қурилмасини яратиш натижасида қуйидагиларга эришилади: металл сиғими камаяди, ташқи ўлчамлари кичраяди, юзалардаги ҳароратлар пасаяди, ишончлилиқ ортади, мосламанинг ишлаш давомийлиги ортади.

1.1. Иссиқлик ташувчини қувурга тангенциал узатиш.

Сууюқликни қувурга тангенциал узатиш, бир ёки бир нечта тешиқлар орқали амалга оширилади. Ушбу тешиқларнинг қўндаланг кесими думалоқ ёки тўғри бурчакли бўлиши мумкин, бунда қувурга узатилаётган сууюқлик қувурнинг қўндаланг кесими ва узунлиги бўйича турлича тарқалиши мумкин. Одатда ушбу усул ёрдамида оқимни бурама ҳаракатга келтириш қувур бошида амалга оширилади, бунинг натижасида тангенциал каналлар орқали сууюқликнинг тўлиқ қисми ёки бир қисми узатилиши мумкин [3, 4].

Тангенциал гирдоблантиргич – энг содда ва кўп тарқалган мослама (1.1, *a*-расм). Тангенциал гирдоблантиргичда узатувчи каналларнинг шакли, тўғри бурчакли, думалоқ ёки овалсимон бўлиши мумкин. Узатувчи каналларнинг сони биттадан тўрттагача ўзгариши мумкин, уларни сонини янада ортиши билан гирдоблантиргичдан кейинги тезликнинг азимутал нотенглик даражаси камаяди. Узатувчи каналнинг кенглиги *b* ва баландлиги

a , олиб кетувчи кичик қувурнинг диаметри d ва узунлиги l тангенциал гидоблантиргичнинг асосий геометрик параметрлари ҳисобланади [5].



1.1 – расм. Гидоблантиргичнинг турлари. а) тангенциал гидоблантиргич; б) тангенциал-ёриқли гидоблантиргич.

Қувурнинг кириш қисмида ўрнатилган тангенциал гидоблантиргични қувурда иссиқлик бериш коэффицентини А. Абқарян, А. Нау ва р. West (АҚШ) лар томонидан тўлиқ тадқиқот қилинган. Рейнольдснинг кичик сонлари учун ($Re_d \approx 10^4$) тажриба қуйидаги тенглама билан умумлаштирилади [1]:

$$Nu_d / Nu_\infty = (1 + \Phi)^{1,75} \quad (1.1)$$

Тажриба натижаси қувур узунлиги $l/d=18,0$ қиймат учун олинган. $Re_d=(2...5) \cdot 10^5$ соҳада ва $\Phi < 2,4$ бўлганда, $l/d=25,0$ қувур учун тажриба натижалари қуйидаги тенглама ёрдамида умумлаштирилади:

$$Nu_d / Nu_\infty = (1 + \Phi)^{1,7} \quad (1.2)$$

Иссиқлик ташувчини битта тешик орқали тангенциал узатишни тадқиқот қилиш учун кириш қисмининг конструктив параметрлари турлича қилиб олинган ва бунда узун қувурда ($l/d=39$) ҳавони совутишда иссиқлик бериш ўрганилган [6]. Тажрибалар $Re=3 \cdot 10^3 \dots 2 \cdot 10^4$ ва $\bar{F}_{ex}=0,5 \dots 1$, бўлганда ўтказилган, тажриба натижаларининг кўрсатишича \bar{F}_{ex} нинг камайиши билан иссиқлик алмашинувининг жадаллиги ошади.

Тангенциал гирдоблантиргич ёрдамида $Re=3 \cdot 10^3 \dots 10^4$ ораликда ўтказилган тажрибаларнинг энг яхши қийматлари $\overline{F}_{\infty}=0,5$ да олинган, уни қуйидаги ўхшашлик тенгламаси ёрдамида тавсифлаш мумкин:

$$Nu_f = 0,417 Re_f^{0,57} \quad (1.3)$$

Гирдоблантиргичда гидравлик йўқотилишлар турли хил сабабларга кўра фарқланади. Улардан асосийлари: киришдаги йўқотилишлар, тезлик профилларини қайта қуриш учун йўқотилишлар, ишқаланишга йўқотилишлар, кўндаланг кесимни кескин ўзгариши ва ҳоказо. Турли хил гирдоблантиргичларда босим йўқотилиши учун экспериментал боғлиқлар [7, 8] да келтирилган.

Тангенциал гирдоблантиргичларнинг турли хил конструктив параметрларида иссиқлик беришни тадқиқот қилиш бўйича аниқланган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, куракчаларнинг кенглигини ортириш ва диаметрни кичрайиши иссиқлик бериш жадаллигини камайишига олиб келади. $Re < 5,5 \cdot 10^4$ бўлганда $N=8$ ли гирдоблантиргич $N=4$ ли гирдоблантиргичга нисбатан иссиқлик беришнинг юқори жадаллигини таъминлайди, $Re > 5,5 \cdot 10^4$ бўлганда эса тесқари.

Тангенциал-ёриқли гирдоблантиргич (1, б-расм) ичи бўш цилиндрлан иборат бўлиб, унинг ён юзида ёриқлар ҳосил қилинган. Гирдоблантиргичнинг буралиш даражасини ўзгартириш пазлар сонини ва оғиш бурчагини ўзгартириш билан амалга оширилади.

Тангенциал-ёриқли гирдоблантиргич ёрдамида бурама ҳаракат ҳосил қилинганда қувур юзасидан ҳаво оқимиға маҳаллий иссиқлик беришини Э.Волчков ва В.Тереховлар ўрганишган. Оқимни гирдоблантиргичдан чиқишда буралганлик бурчаги 74° олинган тажриба натижалари қуйидаги тенглама билан умумлаштирилган:

$$Nu_x = 0,0288 Re_x^{0,8} \cdot Pr^{0,4} (1 + tg^2 j^*)^{0,4} \quad (1.4)$$

Бу ерда: j^* - канал юзаси яқинида оқим буралганлик бурчагининг дастлабки қиймати.

Э. Волчков ва С. Спотарь қисман бурама ҳаракат ҳосил қилинувчи қувурда маҳаллий иссиқлик беришни ўрганишган. Ҳаво оқимида тажриба натижаларининг қуйидагича умумлаштириш мумкин:

$$Nu_x = 0,113 \cdot Re_x \cdot Pr_x^{0,4} \cdot \bar{x}^{-0,56} (1 + tg^2 j^*)^{0,4} \quad (1.5)$$


(1.5) тенглама $\bar{x} = 20 \dots 110$, $x/R = 0,125$ соҳада ўринлидир [5].

Алимов Р.З. томонидан $Re = 2 \cdot 10^4 \div 8 \cdot 10^4$ сонининг катта қийматларида иккита симметрик жойлашган канал орқали ҳаво тангенциал узатилувчи қувур орқали иссиқлик берилиши ўрганилган. $\bar{l}_{ex} = 13,3$ ёриқ орқали узатилади, \bar{F}_{ex} қиймати эса 0,765 га тенглашади. Ушбу шароитда иссиқлик бериш жадаллиги қуйидаги мезонли менглама билан ёзилади:

$$Nu_f = 0,044 Re_f^{0,86} \quad (1.6)$$

Бундай гирдоблантиргичларнинг камчилиги ҳосил қилинган буралишларнинг жадаллиги қувур узунлиги бўйича камаяди, шунинг учун узун қувурларда оқимни бурама ҳаракатга келтиришни амалга ошириш учун уларни кўп марта такрорлаш зарур.

Куракчали гирдоблантиргичлар – куракчали ўқий йўналтирувчи мосалма бўлиб, каналнинг радиуси бўйича жойлаштирилади. Куракчалар ташқи ҳалқага ва d_0 диаметрли марказий жисмга маҳкамланади, канал ўқиға нисбатан белгиланган бурчак остида жойлаштирилади. Куракчали гирдоблантиргичнинг куракчаси текис ёки эгри чизикли бўлиши мумкин [5].



1.2 – расм. Куракчали гирдоблантиргичлар. а) аксиал-куракчали гирдоблантиргич; б) профилланган куракчали гирдоблантиргич.

А. Сударев, В. Антоновск ва Л. Кузнецовлар узунлиги $l/d = 100$ бўлган қувурда аксиал-куракчали гирдоблантиргич ёрдамида бурама ҳаракатга

келтирувчи ҳаво орқали локал иссиқлик алмашинуви ўрганилган, бунда куракчанинг буралиш бурчаги ўзгармас ($n=0$) бўлган. Куракчанинг буралиш бурчаги j , 50 дан 78 градусгача ўзгаради, марказий жисмнинг ўлчамсиз диаметри \bar{d}_0 , 0,65...0,83 ни ташкил этади. Рейнольдс сонининг ўзгариш соҳаси 10^5 дан 10^7 гача бўлганда тажриба натижалари қуйидаги менглама ёрдамида умумлаштирилади

$$Nu_x = 0,026K(1 + tgj_e)^{0,77} Re_x^{0,8} \exp(0,42\bar{d}_0^3) \quad (1.7)$$

Бу ерда $K = (w_m / \bar{w}_x)^{0,8}$ - максимал ўқий тезликни қувур узунлиги бўйича ўзгаришини аниқловчи параметр.

Узунлиги $l/d=150$ бўлган қувурда локал иссиқлик бериш А. Халатов ва В. Летягин томонидан тўлиқ тадқиқот қилинган, бунда $tgj = tgj_c(R/r)^n$ даражали қонунга биноан лойиҳаланган аксиал-куракчали гирдоблантирич ёрдамида ҳаво бурама ҳаракатга келтирилади. Бурчак j , 15^0 дан 60^0 гача ўзгаради ва даража кўрсаткичлари -1 дан +3 гача ($\bar{r}_0 = 0,47$) ўзгаради ҳамда қуйидаги тенглама ҳосил қиланган

$$Nu_x = 0,0306 Re_x^{0,8} \cdot Pr^{0,4} \cdot e_j \cdot e_T \quad (1.8)$$

бу ерда $e_j = 1 + 0,49(\Phi - 0,19)^{0,61}$

(1.9)

Бу ерда e_j - оқимни буралувчанлик омили.

В. Щукин ва А. Ковальногов [10] сувнинг оқимида ва қисман бурама ҳаракатли оқим вақтида маҳаллий иссиқлик беришни тадқиқот қилишган. $Re_d=(1...9) \cdot 10^4$ соғада тажриба натижалари қуйидагича умумлаштирилади ($l/d=60$)

$$Nu_f = 0,024 Re_f^{0,8} Pr^{0,4} \cdot \left(\frac{Pr_f}{Pr_w} \right)^{0,25} \cdot e \cdot e_x \quad (1.10)$$

Куракчали гирдоблантиригичли қувурларда иссиқлик беришни тадқиқот натижалари $j = 75^0$ ва $n=0$ бўлганда $K_f=f(Re_f)$ график шаклида келтирилган [2].

$n=0, j=15^0, 30^0, 45^0, 60^0, \text{ ва } 75^0$ бўлганда, $Re=10^4 \div 9 \cdot 10^4$ соҳада узун қувурлар учун иссиқлик беришнинг тадқиқот натижалари ($l/d=60$) қуйидаги мезонли тенглама билан умумлаштирилади

$$Nu_f = 0,021 Re_f^{0,8} Pr_f^{0,43} \left(\frac{Pr_f}{Pr_w} \right)^{0,25} (1 + 0,147 j^{-0,82}) \quad (1.11)$$

Ташқи диаметрда оқимнинг буралиши $j=45^0$ ва $n, -1; 0;$ ва 3 га тенг бўлганда, рейнольдснинг шу соҳасида узун қувурларда иссиқлик беришнинг тадқиқот натижалари қуйидаги мезонли тенглама билан умумлаштирилади

$$Nu_f = 0,0286 Re_f^{0,8} Pr_f^{0,43} \left(\frac{Pr_f}{Pr_w} \right)^{0,25} (1 + 0,044n) \quad (1.12)$$

Куракчали гирдобланттиргичли қувурларда иссиқлик бериш бўйича тажриба натижаларини умумлаштирилганлари $K_j=f(Re_f)$ ва $K_n=f(Re_f)$ боғлиқликли график шаклида келтирилган [4].

(1.11) ва (1.12) формулаларда тажриба нуқталарини боғлиқликлардан оғиши 6% дан ошмайди.

$n=0, j=15^0 \div 75^0$ ва $Re=10^4 \div 9 \cdot 10^4$ бўлганда тажриба натижалари қуйидаги формула бўйича умумлаштирилади

$$x = \frac{0,3164}{Re^{0,25}} (1 - 0,13 j^{-0,65}) Re^{0,02j} \quad (1.13)$$

Узун қувурлар учун юза яқинида буралиш бурчаги 45^0 , $n, -1$ дан 3 гача ўзгарганда ва $Re=10^4 \div 9 \cdot 10^4$ соҳада тажриба натижаларини умумлатирувчи тенглама қуйидагича

$$x = \frac{0,2265}{Re^{0,19}} (1 - 0,02n) Re^{0,01n} \quad (1.14)$$

Куракчали гирдобланттиргичли қувурда гидравлик қаршилик бўйича тажриба натижаларининг умумлаштирилган натижалари $x/e_n=f(Re)$ ва $x/e_j=f(Re)$ график шаклида келтирилган.


Тажриба натижаларининг (1.13) ва (1.14) боғлиқликлардан оғиши 8% дан ошмайди.

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, a коэффициентлар бир хил бўлганда $n > 0$ бўлган гирдоблантиргичлар $n = 0$ бўлган гирдоблантиргичларга нисбатан кичик гидравлик қаршиликка эга. Шунингдек, $j = 75^0$, $n = 0$ ва 45^0 , $n = 3$, $Re = idem$ бўлган гирдоблантиричли узун қувурлар учун иссиқлик алмашинувининг жадаллиги бир хил. $Re = 10^4 \div 9 \cdot 10^4$ бўлганда гидравлик қаршилик коэффициенти биринчи гирдоблантиргичда иккинчисига қараганда катта бўлади. $l/d = 60$ бўлганда 2,5-5% га, $l/d = 50$ бўлганда 8-12% га, $l/d = 30$ бўлганда 10-15% га катта бўлади.

Куракчали гирдоблантиргичларнинг асосий камчилиги чиқишдаги азимутал тезликнинг нотенглиги ҳисобланади.

1.2. Шнекли бурагич ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Шнекли ўрнатмалар деформацияланган ленталардан тайёрланади, ленталар ўзак стерженга пайвандланади, шунингдек қуйма усули ёки механик ишлов бериш орқали тайёрланади. Винтсимон ўрнатма тайёрлаш учун зарур бўлган ленталар пластик металлдан (одатда рангли) тайёрланади. Шнеклар бир ёки кўп йўлли бўлиши мумкин. Шнекли ўрнатмаларнинг конструктив схемалари 1.3-расмда келтирилган.



1.3 – расм. Шнекли ўрнатмаларнинг конструктив схемалари.

а) шнек; б) ариқчали тўғри бурчакли шнек; в) трапециясимон ариқчали шнек; г) симни ёки қувурни ўраб ҳосил қилинган шнек; д) ярим думалоқ ариқчали шнек.

А. Халатов ва Ю.Осипенко $l/d=15$ қувурда маҳаллий иссиқлик алмашинувини ўрганишган, бунда ҳаво оқимини бурама ҳаракатга келтиришда чиқиш бурчаги 82^0 бўлган уч поғонали гирдоблантиргичдан фойдаланилган. Втулка $\bar{d}_o=0,5$ га тенг. $Re_d=(1...6)\cdot 10^4$ соҳада тажриба натижалари қуйидаги тенглама билан умумлаштирилади

$$Nu_x = 0,63\hat{O}_0^{0,58} [1 + 0,58\exp(-0,084\bar{x})] Re_d^{0,5} \quad (1.15)$$

Э. Нержнқй ва А. Сударев узунлиги $l/d=180$ бўган қувурда локал иссиқлик алмашинувини ўрганишган, бунда ҳавони бураама ҳаракатга келтиришда икки ва тўрт йўлли гирдоблантиргичдан фойдаланилган. $Re_d=8\cdot 10^4 \dots 10^7$ соҳада улар қуйидаги тенгламани олишган:

$$Nu_x = 0,0306 Re_x^{0,8} (1 + tg^2 j_o)^m \quad (1.16)$$

бу ерда $m=0,8\exp(-0,027\bar{x})$.

Шнекли гирдоблантиргич ёрдамида оқимни маҳаллий бурама ҳаракатга келтиришда қувурда иссиқлик бериш, конструкциялари ва уларнинг геометрик тавсифлари [11] келтирилган.

Шнекли гирдоблантиргичли қувурда Re сонин иссиқлик беришга таъсири $Nu_f=f(Re)$ график шаклида келтирилган.

Шнекли гирдоблантиргич ёрдамида оқимни бурама ҳаракатга келтиришда узун қувурларда ($l/d=60$) иссиқлик беришнинг тадқиқот натижалари $Re_f=10^4 \div 6\cdot 10^4$ соҳа учун қуйидаги мезонли тенглама орқали ифодаланади

$$Nu_f = 0,021 Re_f^{0,8} Pr_f^{0,43} \left(\frac{Pr_f}{Pr_w} \right)^{0,25} (1 + 0,092\bar{j}^{-1,73}) \quad (1.17)$$

бу ерда $\bar{j} = \phi/15$.

Шнекли гирдоблантиргичлар учун $j=45^0$ ва $d'/d = 1 \div 0,5$ бўлганда

$$Nu_f = 0,0328 Re_f^{0,8} Pr_f^{0,43} \left(\frac{Pr_f}{Pr_w} \right)^{0,25} \left[1 + 0,0355 \left(\frac{d'}{d} \right)^{-3,15} \right] \quad (1.18)$$

(1.17) ва (1.18) формулаларга мувофиқ, тажриба нуқталарини боғлиқликдан оғиши 8% дан ошмайди.

Шнекли ўрнатмалар ёрдамида ҳосил қилинган каналларнинг гидравлик қаршилиги ламинар режимда ўрганилган [12]. Ўрнатмаларнинг геометрик тавсифлари жадвал шаклида келтирилган [4]. Қирқилган шеклар қалинлиги 0,5 мм бўлган тўғри бурчакли қовурғадан иборат, ўралган шнеklar қовурға ролини бажаради, улар диаметри 2,9 мм бўлган симдан тайёрланади. Барча шнеklar бир йўлли бўлиб, оқимнинг буралиш бурчаги ва канал кўндаланг кесимининг радиал ўлчами 1 дан 17 гача ўзгаради, эгри чизиқли каналларнинг нисбий узунлиги $l/d_0=73...509$. тажрибалар сувда ва $Re=2\cdot 10^3...4\cdot 10^4$ соҳада ўтказилган ва ишқаланиш қаршилиги коэффицентининг ўртача қиймати олинган.

Каналда ўрнатилган 12 та шнекли ўрнатмалар ёрдамида олинган тажриба натижаларини умумлаштирилган формуласи қуйидагича:

$$x = c Re^{-0,42} \left(\frac{d_v}{D} \right)^{0,65} y^{0,3} \quad (1.19)$$

Бу ерда қирқма шнеklar учун $c=5,55$, ўрамли учун $c=4,90$.

Тадқиқот натижалари $x=f(Re)$ график шаклида келтирилган. Тажриба натижаларини умумлаштирувчи боғлиқликдан оғиши 10% дан ошмайди.

Шунингдек, шнекли гирдобантиргичлар ёрдамида қувурдаги гидравлик қаршилиқ ўрганилган [10]. Синалган гирдоблантиргичларнинг буралиш бурчаги $j=45^0, 60^0, 75^0$. диаметрларининг нисбати $d'/d, 1; 0,75$ ва $0,5$ ни ташкил этади. Шнекли гирдоблантиргичли қувурда гидравлик қаршилиқни тадқиқот қилиш $Re=6\cdot 10^3\div 6\cdot 10^4$ соҳада бажарилган. Тажриба натижаларини умумлаштирувчи тенглама қуйидаги кўринишда бўлади

$$x = \frac{0,3164}{Re_f^{0,25-0,03\bar{j}}} \left(1 + 4,7 \cdot 10^{-6} \bar{j}^{-8,4} \right) \quad (1.20)$$

бе ерда $\bar{j} = \varphi/15$.

$j=45^0$ бўлганда

$$x = \frac{0,3320}{Re_f^{0,19}} \left[0,24 + 0,76 \left(\frac{d'}{d} \right)^{-3,76} \right] \quad (1.21)$$


Тадқиқот натижалари $x=f(Re)$ график шаклида келтирилган.

Тажриба нуқталарининг (1.20) ва (1.21) боғлиқлардан оғиши 6% дан ошмайди.

Шнекли гирдоблантиргичларни камчилиги, замонавий энергетик иссиқлик алмашинуви қурилмаларини тайёрлаш учун кўп миқдорда листли материал зарур бўлади. $d=30 \times 2$ мм бўлган қувурлар учун металл сарфи ва иссиқлик алмашинув қурилмаларини массаси тахминан 15% га ортади. Шунингдек, Re сонининг ўсиши билан уларнинг самарадорлиги камаяди. Ифлосланган оқимлар учун шнекли гирдоблантиргичларни қўллаш қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради.

1.3. Буралган лента ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Лентали гирдоблантиргичлар қувурнинг бутун ҳажми бўйича микро уюрмалар ҳосил қилади, нафақат девор олди қатламида, балки улар ламинар оқим учун ҳам истиқболлидир. Агар лента қувур билан яхши металл контактга эга бўлса, лентали гирдоблантиргичлар ёрдамида оқимни уярма ҳаракатга келитириш ҳисобига иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришдан ташқари, ички қовурғанинг кам самарадорлигини олиш мумкин. Винтсимон ўрнатмалар буралган ленталар шаклида ясалиши мумкин. Технологик тайёрлашлардан келиб чиқиб $\varphi \leq 45^\circ$ бўлганда ўрнатма буралган лента шаклида тайёрланиши мумкин. Винтсимон ўрнатмалар етарлича тирқиш билан ўрнатилиши ёки қувур билан ўрнатма контакти ўрнини пайвандлаб маҳкамлаш мумкин. Ушбу ҳолда иссиқлик алмашинуви қурилмасининг қувурини тозалаш осонлашади. Лентали гирдоблантиргичнинг муҳим геометрик тавсифи унинг қадами ҳисобланади, кадам бурлаган лента 180° га буралганда гирдоблантиргичнинг ўқий ўлчамига тенг бўлган катталиқ. Буралган лентанинг кўриниши 1.4-расмда келтирилган.



1.4 – расм. Буралган лента.

Лентали турбулизаторлар В.М. Азарский ва бошқалари [13], А. Клячак [14], Н.В. Зозуля ва И.Я. Шкуратов [15], С.В. Хун ва А.Е. Берглес [15], шунингдек, М.Х. Ибрагимов ва бошқалар [17] томонидан кенг тадқиқот қилинган. Уларни тажарибани ўтказиш шароитлари жадвал шаклида келтирилган [18].

В. Мигай ва Л. Голубев $l/d=80$ ва $s/d=4,7$ бўлганда буралган лента ёрдамида ҳаво оқими гидроблантирилганда маҳаллий иссиқлик алмашинуви ўрганилган. $Re_d=7,1 \cdot 10^3 \dots 4 \cdot 10^4$ соҳада олинган натижалар қуйидаги тенглама ёрдамида ифодаланади

$$Nu_d / Nu_\infty = 1 + 1,7 \cdot \text{tg} j_w^0 \cdot \exp(-0,046 \cdot \bar{x}) \quad (1.22)$$

бу ерда j_w^0 - қувурдаги буралган лентанинг буралиш бурчаги.

В. Мигай узунлиги $l/d=110$ бўлган қувурда ҳавонинг оқимида маҳаллий иссиқлик алмашинуви тадқиқот қилган. $r_0/R > 0,75$ учун тажриба маълумотлари қуйидаги тенглама билан умумлаштирилган

$$Nu_d / Nu_\infty = 1 + \text{tg} j_0 \cdot \exp(-0,035 \cdot \bar{x}) \quad (1.23)$$

$r_0/R < 0,75$ ҳолат учун умумлаштирилган тенглама

$$Nu_d / Nu_\infty = 1 + 0,867(2 + r_0/R) \text{tg} j_0 \cdot \exp(-0,035 \cdot \bar{x}) \quad (1.24)$$

(1.23) ва (1.24) тенгламаларда: $\bar{x} = x/d$

Буралган лентали винтсимон каналди конвектив иссиқлик алмашинуви тезлиги ва оқимнинг “уюрмавий” аралашшининг йиғиндисидан аниқланади. В.К. Мигай Рейнольдс ўхшашлигидан фойдаланиб оқим ва қувур девори орасидаги иссиқлик алмашинувини ҳисоблаш учун қуйидаги тенгламани аниқлаган [19]

$$Nu = \frac{85 \left(1 + \frac{1,75}{Pr+8}\right) Pr^{0,023} \cdot Re^{0,8} \cdot Pr \left[1 + 4p^2 \left(\frac{R_0}{H}\right)^2\right]^{0,4}}{\sqrt{I} \cdot \frac{H}{d_{eq}} + \frac{1 + 2,14 Re^{-0,1} \left[1 + 4p^2 \left(\frac{R_0}{H}\right)^2\right]^{-0,05} (Pr^{2/3} - 1)}{1 + \frac{4d_y}{7,5H \cdot Re \cdot I} (5050 \cdot Pr^{0,69} + 0,00006 Pr^3)}} \quad (1.25)$$

Тадқиқот натижалари $Nu_f=f(Re_f, s/d)$ график шаклида келтирилган.

В. Щукин оқимнинг ламинар ва турбулент режимида иссиқлик алмашинуви бўйича тажрибалар бажарган, тажриба натижалари қуйида келтирилган:

- жуфт уюрмали ламинар оқимда:

$$Nu = 0,3 \cdot Re^{0,6} \cdot Pr^{0,43} (D/d)^{0,135} \quad (1.26)$$

(1.26) тенглама $Re^*=150 \dots 8 \cdot 10^3$; $s/d=2,5 \dots 11$ соҳада ўринли.

- жуфт уюрмали турбулент оқимда:

Ҳаво:

$$Nu = 0,079 \cdot Re^{0,74} \cdot Pr^{0,43} (T_f/T_w)^{0,575} \cdot (D/d)^{0,11} \quad (1.27)$$

Тенглама s/D , 1,8 дан 13 гача; Re^* , $Re_{cr}^{(2)}$ дан $5,9 \cdot 10^4$ гача соҳада ўринли.

Сув, суюқ металл:

$$Nu = 0,079 \cdot Re^{0,74} \cdot Pr^{0,4} \left(\frac{D}{d}\right)^{0,11} \cdot \left(\frac{m_f}{m_w}\right)^{0,25} \quad (1.28)$$

С.В. Хун ва А.Е. Берглесларнинг тажрибалари асосида лентали гидобланттиргичлар ўрнатилган қувурда иссиқлик беришни ҳисоблаш учун мезонли боғлиқлик олинган

$$Nu = 5,172 \left[1 + 5,484 \cdot 10^{-3} Pr^{0,7} [Re/(l/d)]^{1,25}\right]^{0,5} \quad (1.29)$$

(1.29) тенглама муаллифларни сувда ва этиленгликолда ўтказилган барча тажрибаларни умумлаштиради. (1.29) тенглама бўйича олинган тажриба натижаларининг ўртача квадратик оғиши $\pm 16,4\%$.

Буралган лента ёрдамида иссиқлик беришни тажрибавий тадқиқот натижалари Кох [21] ва В.К. Ермолин [22] ишларида келтирилган.

Кохнинг тажрибасида лентали гидобланттиргич ўрнатилган қувурда ҳаво қиздирилади. Бунда $s/d=2,5\div 11$, ишчи қисм узунлиги $20d$, ишчи қисм олдидаги қувур – $50d$. Тажриба натижалари $Nu_m=f(Re_m, s/d)$ график шаклида келтирилган.

В.К. Ермолиннинг тажрибасида умумий узунлиги $39d$ ва гидобланттиргичнинг узунлиги $19d$ бўлган қувурда ҳавони совутиш ўрганилган. Лентали гидобланттиргичлар $s/d=3,16\div 9,5$ га эга. Тажриба натижалари $Nu_f=f(Re_f, s/d)$ график шаклида келтирилган.

М.Х. Ибрагимов, Е.В. Номофилов ва В.И. Субботин [17] ишларида $s/d=2,1\div 9,9$ ва $Re_f=10^4\div 4\cdot 10^4$ соҳаларда сув ва суюқ металлларни гидобланттирилган оқимларни қиздиришда исиклик бериш тадқиқот қилинган. Гидобланттиргичли қувур узунлиги $57d$. Сув учун тажриба натижаларини умумлаштирилган формуласи

$$Nu_f = 0,021 Re_f^{0,8} Pr_f^{0,43} \left(\frac{Pr_f}{Pr_w} \right)^{0,25} \left(1 + \frac{5,65 \cdot 10^4 d}{Re_f^{1,2} s} \right) \quad (1.30)$$

$$Nu = 0,0234 Re^{0,8} Pr^{0,43} [1 + 121040 / (Re^{1,2} l / d)] \quad (1.31)$$

(1.31) тенглама $Re=18000\div 90000$ оралиқда ўринли.

Симоур [23] $s/d=1,79\div 13$ учун ҳавони қиздиришда исиклик бериш тадқиқот қилинган. Тажриба қисмининг узунлиги $28,5d$. Тажриба натижалари $Nu_f/Nu_{f0}=f(Re_f, s/d)$ график шаклида келтирилган.

В. Мигай [19] ва В. Щукин [4] буралган лентали қувурда гидравлик қаршиликни аниқлаш учун ламинар тенглама олишган:

- жуфт уюрмали ламинар оқим [4]:

$$I_j = \frac{6,34}{Re^{0,47}} \left(\frac{D}{d} \right)^{0,26} + \frac{25,6}{Re} \quad (1.32)$$

(1.32) тенглама $s/D=2,5\div 11$; $De=50\div 8\cdot 10^3$ соҳада ўринли.

- жуфт уюрмали турбулент оқим [8]:

$$s/d = 1,8\div 2,5; I_j = 4,72 Re^{-0,35} (D/d)^{0,74};$$

(1.33)

$$s/d = 2,6 \dots 13: I_j = 0,705 Re^{-0,35} (D/d)^{0,09} + 0,009 (D/d)^{0,65}. \quad (1.34)$$

[13] ишда тажрибалар $0 \leq s/D \leq 8,24$ оралиқда бажарилган. Улар ҳаво учун $\overline{Nu} = f(Re)$ боғлиқликни олишган. Исиқлик бериш бўйича умумлаштирилган қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\overline{Nu} = Re Pr \left\{ I \left[5 Pr + d \ln \left(\frac{30/d - 1 + 1/Pr}{5/d - 1 + 1/Pr} \right) + d \ln (Re \sqrt{x/2} / 60) \right] \right\}^{-1} \quad (1.35)$$

Крейт ва Марголис [26] $s/d = 2,58 \div 7,3$ бўлганда тажриба ўтказишган. Улар сув ва ҳаво учун $\overline{x} = f(Re)$ боғлиқликни олишган.

М.Х. Ибрагимов, Е.В. Номофилов ва В.И. Субботинлар [17] $s/d = 2,1 \div 9,9$ бўлганда сув ва суюқ металл буралган оқимда гидравлик қаршилиқни ўрганишган. Муаллифлар шундай хулосага келишди, оқим буралганда фақатгина $s/d < 3,3$ бўлганда гидравлик қаршилиқ ортади, аммо ушбу хулоса бошқа тадқиқотлар натижалари билан мос келмайди. $Re = 10^4 \div 4 \cdot 10^4$ бўлганда тажриба тадқиқотларининг натижалари қуйидаги формула билан умумлаштирилган

$$\overline{x} = 1 + 14,35 \left(\frac{d}{s} \right)^4 \quad (1.36)$$

Гэмбил ва Бандиларнинг [27] ишларида сув ва этиленгликолли буралган оқимда $s/d = 2,26 \div \infty$ бўлганда гидравлик қаршилиқ ўрганилган. $Re = 2,5 \cdot 10^3 \div 9,5 \cdot 10^4$ бўлганда тажриба натижалари қуйидаги формула бўйича умумлаштирилади

$$x - x_0 = \frac{0,21}{(s/d)^{1,31}} \left(\frac{Re}{2000} \right)^n \quad (1.37)$$

Симоур [11] ишида $s/d = 1,79 \div 13$ бўлганда ҳаволи буралган оқимда олиб борилган тадқиқот иши келтирилган. Тадқиқот натижалари $\overline{x} = f(Re, s/d)$ график шаклида келтирилган.

Лентали гирдоблантиргич ўрнатилган қувурда гидравлик қаршиликни тадқиқот натижалари $x\left(\frac{D}{d}\right)^n = f\left[\operatorname{Re}\left(\frac{d}{D}\right)^2\right]$ боғлиқлик шаклида қайта ишланган.

$s/d=13\div 2,65$ учун турбулент режимда тажриба натижаларини умумлаштириб қуйидаги формулани олиш мумкин

$$x = \frac{0,705}{\operatorname{Re}^{0,28}}\left(\frac{d}{D}\right)^{0,09} + 0,009\left(\frac{d}{D}\right)^{0,65} \quad (1.38)$$

[23] ишда бурама лента ($s/d=2,65$) ўрнатилган қувур орқали оқиб ўтаётган ҳаво оқимининг гидравлик қаршилиги тадқиқот қилинган. Тажриба натижалари 5% гача аниқликда қуйидаги тенглама билан умумлаштирилади

$$\lg \frac{x}{x_x} = 0,875 \operatorname{Re}^{-0,066} \lg \frac{x}{l} \quad (1.39)$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, $Re=10^4$ бўлганда ўрнатма узунлиги $x=0,5l$ гача камайганда гидравлик қаршилиқ 25% га камайишига олиб келади.

[29] ишда қовушқоқ суюқликлар учун “қувур ичида қувур” туридаги иссиқлик алмашинуви қурилмасининг конструкцияси келтирилган, унда лентали гирдоблантиргич ўрнатилган. Иссиқлик алмашинуви қурилмасининг ташқи қувури кўндаланг кесими майдони ўзгарувчан қилиб тайёрланган, у муҳит ҳаракат йўналиши бўйлаб, қисқаради. Винтсимон қовурға ташқи қувур кўндаланг кесими қисқариш йўналишидаги қадамга тесқари пропорционал равишда ортиб боради.


1.4. Спиралсимон пружина ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Спиралсимон симли пружинкалар иссиқлик алмашинув мосламаларида кенг қўлланилади. Спиралсимон симли турбулизаторлар оқимнинг девор олди қисмини турбулизациялаб қолмасдан, балки ўқи атрофида бутун оқимни айланма ҳаракатга келтиради. Бу каби иссиқлик алмашинувини жадаллаштиргичлар қуйидаги асосий афзаллаиқлари билан тавсифланади:

- иссиқлик алмашинуви майдони ошади;
- қувур юзаси яқинидаги оқим ҳаракатланади, натижада тезлик ва ҳароратни максимал градиенти кузатилади;
- қовушқоқ ост қатлам бузилади;
- буралиш ва оқим бузилишининг биргаликдаги самарадорлиги иссиқлик алмашинуви қв гидравлик қаршилик орасидаги муносабатни яхшилади;
- тайёрлашда технологик томонлама соддалик.

Спиралсимон симли пружинкалар Н.В. Зозуля ва И.Н. Шкуратов [30], З. Нагаокий [31], В.М. Азарсков [32], А. Клачак [33] ва бошқалар томонидан тажрибавий тадқиқот қилинган.

1.5-расмда спиралсимон симли пружинка тасвирланган.



1.5-расм. Қувур ичидаги спиралсимон пружинка.

Симли ўрнатмали қувурнинг асосий параметрлари қуйидагилар ҳисобланади: қувур диаметри D , сим диаметри d , симли ўрнатманинг қадами s , спиралнинг буралиш бурчаги j .

[34] ишда диаметри 25,2 мм ва узунлиги 1500 мм ($l/d=59,5$) бўлган қувурда иссиқлик алмашинуви ва босим йўқотилиши ўрганилган. Симнинг диаметри 2,0 дан 3,4 мм ($d/D=0,079\dots 0,135$) гача, спиралнинг қадами 10 дан 66 мм гача ўзгаради. Спиралнинг буралиш бурчаги 32° дан 76° гача ташкил этади. Ишчи суюқлик сифатида Hindustan Petroleum Corp (Ҳиндистон) мойидан фойдаланилган. Тажрибалар $Re_d=30\dots 700$ соҳада олиб борилган.

Тажриба натижалари $Nu=f(Re)$, $I_j=f(Re)$ графиклар шаклида келтирилган. тажриба натижаларининг умумлаштирилган натижалари қуйидаги тенглама бўйича ифодланади:

$$Nu_d = 1,65 \cdot tgj \operatorname{Re}_{eq}^m \operatorname{Pr}^{0,35} \left(\frac{m_f}{m_w} \right)^{0,14} \quad (1.40)$$

Спиралсимон пружинкали қувурда Нуссельт сонининг ортиши мой учун 1,5...4,0 ни ташкил этади, бу турбулент оқимга қрагандан анча юқори.

[30] ишда трансформатор мойи оқимда спиралсимон симли пружинкалар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот $Re=1800 \div 6300$ соҳада олиб борилган.

[34] ишда диаметри 8,48 мм ва узунлиги 1,22 м ($l/d=144$) бўлган мис қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршиликни тажрибавий тадқиқот натижалари келтирилган. Жами бўлиб, 16 та пружинали ўрнатмалар синаб кўрилган: симнинг диаметри 0,71 мм дан 2,03 мм гача, спирал қадами эса 2,82 дан 8,47 мм гача ўзгаради. Ишчи суюқлик сифатида SAE10 маркали энгил мотор мойидан фойдаланилади. Тажриба мойнинг ўртача ҳарароти 101°C дан 106° ($Pr \approx 90$) гача ўзгаради.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Рейнольдс сонининг тадқиқот қилинган соҳасида ($Re_d=3 \cdot 10^3 \dots 8 \cdot 10^3$) қувур узунлиги бирлигида ўрамлар сонининг ортиши билан иссиқлик бериш ва гидравлик қаршилик аввал ортади сўнгра камаяди.

Иссиқлик бериш жадаллигининг энг яхши даражаси рейнольдс сони 1200 дан кам бўлганда амалга ошади (текис қувур билан солиштирилганда 2...3 марта юқори). Рейнольдс сонини ортиб бориши билан иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш даражаси камаяди ва $Re > 6000$ бўлганда тахминан 1,5 га тенг бўлган қийматга эга бўлади. Демак, пружинали ўрнатмалар Рейнольдс сонининг кичик қийматларида энг яхши самара беради.

А. Клачак [33] диаметри 6,8 мм ва узунлиги 240 мм ($l/d=35$) бўлган мис қувурда сувнинг оқимида иссиқлик алмашинувини тадқиқот қилган. Тажрибалар $Re_d=1,7 \cdot 10^3 \dots 2 \cdot 10^4$ соҳада бажарилган (турбулент режим),

$Pr=2,5\dots 9,0$. Иссиқлик алмашинуви учун умумлаштирувчи тенглама куйидаги кўринишни олади:

$$Nu_d = 1,04 Re_d^{0,54} (s/D)^{-0,29} (d/D)^{0,35} \quad (1.41)$$

(1.41) тенглама $s/D=0,57\dots 286$; $d/D=0,1\dots 0,22$ соҳада ўринли.

[31] ишда сувнинг оқимида спиралсимон симли пружинкалар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот $Re=4600\dots 23000$, $l/d=0,26\dots 1,78$; $h/d=0,0335\dots 0,15$ оралиқларда олиб борилган.

[35] ишда диаметри 25 мм ва узунлиги 1500 мм ($l/d=60$) бўлган қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича тажрибавий тадқиқотлар олиб борилган. Симнинг диаметри 2 ва 3 мм ($d/D=0,08$ ва $0,12$), спирал қадами эса 20 дан 132 мм гача ўзгаради. Спиралнинг буралиш бурчаги $30^0\dots 75^0$ оралиғида. Турбулент режимда тажриба олиб борилган бўлиб, ишчи суюқлик сифатида 50% - ли глицерин эритмаси ва сувдан фойдаланилган ($Re_d=3\cdot 10^3\dots 8\cdot 10^5$).

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, турбулент оқимда иссиқлик бериш коэффицентини ортиши текис қувур билан солиштирилганда 1,3-1,5 ни ташкил этади, бу ламинар оқим режимига караганда кам.

[32] ишда $CaCl_2$ намакобнинг оқиб ўтишида спиралсимон симли пружинка тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқотлар $Re=1100\dots 4500$, $l/d=1,63\dots 1,78$; $h/d=0,0335\dots 0,15$ соҳаларда олиб борилган.

[36] ишда диаметри 13,81 мм ва узунлиги 605 мм ($l/d=43,8$) бўлган қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик тўлиқ тадқиқот қилинган. Спиралсимон пружинкаларнинг 11 та варианты тадқиқот қилинган. Спиралсимон пружинкалар симнинг диаметри ва спирал қадами билан фарқланади: $d=0,5\dots 3$ мм, $s=10\dots 60$ мм, $d/D=0,033\dots 0,207$, Рейнольдс сони $4\cdot 10^3$ дан $5\cdot 10^4$ гача ўзгаради.

Тадқиқот натижалари $Nu=f(Re)$ и $I=f(Re)$ график шаклида келтирилган.

[37] ишда диаметри 13,81 мм ва ўлчамсиз узунликдаги $l/D=43,8$ қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик тўлиқ тадқиқот қилинган. Рейнольдс сони 6000 дан 40000 гача ўзгаради. Тадқиқот қилинган спиралсимон пружинканинг асосий параметрлари жадвал шаклида келтирилган [37].

Иссиқлик алмашинуви бўйича тажриба натижалари қуйидаги формула бўйича умумлаштирилади

$$\frac{Nu}{Nu_0} = 1,85 + 2,5 \frac{2h}{d} - \frac{0,85 + 2,5(2h/d) t}{2,8 + 12,6(2h/d) d} \quad (1.42)$$

Тенглама $0,0667 < 2h/d < 0,435$; $0,75 < t/d < 4,4$; $6 \cdot 10^3 < Re < 4 \cdot 10^4$ ораликларда ўринли.

Иссиқлик гидравлик самарадорлигини ҳисобий натижалари $Nu=f(Re)$ и $x=f(Re)$ график шаклида келтирилган.

Спиралсимон пружинкаларнинг энг яхши вариантыни қўлланганда ва гидравлик қаршиликлар текис қувур билан солиштирилганда бир хил бўлганда иссиқлик сиғимини 40% га ошишига олиб келади.

[38] ишда спиралсимон пружинкали қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, бунда Рейнольдс сони 4000 дан 100000 гача ўзгаради, ишчи муҳит сифатида сув ва глицериннинг 50% ли эритмасидан фойдаланилган. Тадқиқот қилинган пружиналарнинг асосий параметрлари жадвал шаклида келтирилган [38].

Шунингдек, [38] ишда спиралсимон пружинка ўрнатилган қувурда трансформатор мойи оқиб ўтишида иссиқлик алмашинуви жараёнини тадқиқот натижалари ёритилган. Рейнольдс сони $30 < Re < 2000$, $300 < Re < 675$ ораликда ўзгаради. Каналнинг геометрик тавсифлари қуйидаги соҳада ўзгаради: $s/d=2,62 \div 0,83$; $h_s/d=0,085 \div 0,14$; $a_0=32 \div 61^0$.

Спиралсимон пружинка ўрнатилган қувурда Nu сонини ҳисоблаш учун қуйидаги тенглама таклфи этилган

$$\overline{Nu} = 1,65 t g a (Re_{De})^{0,25 (t g a)^{-0,38}} Pr^{0,35} (m/m_{ho})^{0,14} \quad (1.43)$$

Спирал қадамнинг камайиши ва ўрнатманинг баландлигини ортиши билан жадаллаштириш самарадорлиги 150-400% ни ташкил этади.

[39] ишда қовушқоқ ньютон суюқликларининг ламинар режимда спиралсимон симли пружинка тадқиқот қилинган.

Ҳисобий амалиётда қўллаш учун қуйидаги умумлаштирилган тенглама қўлланилади

$$\overline{Nu} = 0,23 Re^{0,7} Pr^{0,35} (d/D)^{0,7} (9 - s/D)^{0,5} \quad (1.44)$$

Боғлиқликни қўлланилиш соҳаси: $Re=80 \div 1200$; $s/D=0,71 \div 4,3$; $d/D=0,714 \div 0,171$.

Тажрибавий ва ҳисобий четлашиш 12% дан ошмайди. Ўрнатмали қувурларда иссиқлик бериш коэффицентини геометрик параметрларга боғлиқ ҳолда 2-4,5 марта ортади. Иссиқлик алмашинуви юзаси эса текис қувур билан солиштирилганда 10-60% гача ортади. Тадқиқот натижалари $\overline{Nu} = f(Re)$ график шаклида келтирилган.

Гидравлик қаршилик коэффиценти қийматини ҳисоблаш учун қуйидаги умумлаштирилган тенгламадан фойдаланилади

$$x = \frac{530}{Re^{0,36}} \left(\frac{d}{D} \right)^{1,4} \exp \left[- \left(\frac{s}{D} \right)^{0,65} \right] \quad (1.45)$$

Тажрибавий ва назарий четлашиш 14% дан ошмайди. Боғлиқликни қўлланилиш соҳаси: $s/D=0,71 \div 4,3$; $d/D=0,071 \div 0,17$.

Тадқиқот натижалари $x = f(Re)$ график шаклида келтирилган. Иссиқлик самарадорлик натижалари $\overline{Nu} / \overline{Nu}_0 = f(Re)$ ва $x/x_0 = f(Re)$ график шаклида келтирилган.


[40] ишда спиралсимон симли гирдоблантиргичда иссиқлик алмашинуви тажрибавий тадқиқот қилинган. Тажрибалар сувнинг оқимида $Re_d=3 \cdot 10^3 \div 3 \cdot 10^5$ оралиқда бажарилган. Иссиқлик алмашинуви учун умумлаштирилган тенглама қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\overline{Nu} = 0,175 Re^{0,7} Pr^{1/3} (d/D)^{-0,35} \quad (1.46)$$

Бу турдаги турбулизаторларни кўндаланг чуқурчали турбулизаторлар билан солиштирганда спирал қадами кичик бўлганда кам яроқлидир шунингдек пружинканинг қувур билан иссиқлик контакти ишончли эмас, яъни пружина қувурнинг ички юзасига етарлича зич маҳкамланмайди, ушбу камчиликлар уларни нисбатан кичик қадамларда қўллаш самарадорлигини камайтиради.

1.5. Қувурнинг ички юзасини қовурғалаш ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Турли хил шаклдаги спиралсимон қовурғалар бир ва икки фазали иссиқлик ташувчили иссиқлик алмашинуви қурилмаларида кенг қўлланилади. Пластинанинг кенглиги қувур диаметрига нисбатан бир неча марта кичик қилиб тайёрланади. Ушбу турдаги гидобланттиргичлар қўлланилганда иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш нуқтаи назаридан яхши самарадор бўлиб, оқимни бурилиши ва бузилиши биргаликда содир бўлади. Пластинали спиралсимон гидобланттиргич 1.6-расмда келтирилган.



1.6-расм. Спиралсимон гидобланттиргич.

Техникада буралиш бурчаги кичик бўлган ҳолат энг кенг тарқалган ҳисобланади ($j=20...30^\circ$). Спиралсимон қовурғаланган қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик [19] ишда тўлиқ тадқиқот қилинган. Қувур диаметри 20 мм, узунлиги 900 мм, қовурғалашнинг нисбий қадами s/d , 1,0 дан 10,0 ($h/d=0,2$) гача ўзгаради, h/d қиймат 125 дан 0,3 гача ўзгаради. Тажрибалар $Re_d=6 \cdot 10^3 \dots 5 \cdot 10^4$ соҳада ҳавонинг оқиб ўтишида олиб борилган.

Иссиқлик алмашинуви бўйича тажриба натижалари қуйидаги боғлиқлик билан умумлаштирилади:

$$\frac{Nu}{0,03Re^{0,75}} = 2,2 + 2,33 \frac{2h}{d} - \frac{1,2 + 2,3 \frac{2h}{d}}{7,6 + 5 \frac{2h}{d}} \cdot \frac{s}{d} \quad (1.47)$$

Формула $0,25 < 2h/d < 0,435$; $0,75 < s/d < 7$; $6 \cdot 10^3 < Re < 5 \cdot 10^4$ соҳада ўринли.

Иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича тадқиқот натижалари $Nu=f(Re)$ и $x=f(Re)$ график шаклида келтирилган.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, текис қувур билан бир хил бўлганда қаршиликни енгишга сарфланган қувват 40% га ортади.

Турли геометрик шаклдаги спиралсимон қовурғаларнинг назарий таҳлил умумий қаршилик коэффициентини аниқлаш имконини беради [38, 39]:

$$x = [0,3164Re_y^{-0,25} + I_v] \cos^2 b + x_s \sin^2 b \quad (1.48)$$

Буралишнинг кичик бурчаклари учун ($b=10...20^0$), (1.48) тенгламадаги иккинчи қўшилувчи жуда кичик ($\sin^2 b \approx 0$). Буралишнинг катта бурчакларида ($b=70...80^0$), (1.48) тенгламадаги биринчи қўшилувчи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$x = 0,115 \left\{ (d/s)^{1,5} \lg s_2/h \right\}^2 / \lg(D/h)^2 \quad (1.49)$$

Сувнинг оқиб ўтишида олиган назарий ва тажрибавий маълумотларни солиштириш натижалари график шаклида келтирилган [4].

Учбурчак қовурғали қувурда $b=19^0...26^0$ бўлганда тўғри бурчакли қовурғалаш билан солиштирилганда гидравлик йўқотилиш 8...13% га ортади.

[40] ишда диаметри 20 мм ва узунлиги 800 мм бўлган ички спиралсимон қовурғали қувурда турбулент оқимда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Рейнольдс сони 2000 дан 50000 гача ўзгаради.

Спиралсимон қовурғанинг баландлигини ортиб бориши билан иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик ортиб боради, энг яхши натижа $h/D=0,25$ бўлганда олинади. Ушбу ҳолда иссиқлик алмашинувини жадаллашиши 1,4...1,5 марта ошади.

Ички спиралсимон қовурғалашда иссиқлик гидравлик самарадорлик хисобларининг натижалари график шаклида келтирилган [40].

[19, 41] ишларда сув оқимида 17 та қовурғаланган қувурда иссиқлик алмашинувининг тавсифлари тажрибавий ифодаланган [41]. Гидравлик қаршилиқ коэффициентлари бўйича олинган натижалар $I/4=f(Re)$ график шаклида келтирилган.

Тўғри қовурғали қувурлар учун (тажриба маълумотлари 10% аниқлақда) умумлаштирилган тенглама қуйидаги кўринишда

$$I/4 = 0,406(b/d_y)Re^{-0,39} \quad (1.50)$$

